

## ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ТИКУВЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ДИЗАЙН

Жалолдинова Шахноза

АндДУ Педагогика институти Информатика ва аниқ фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7158830>

**Аннотация.** Уибубу мақолада тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириши, дизайнерлик фаолиятини жорий этиши ва уибубу фаолиятни қўллаш жараёнини ўрганишини мақсад қилган. Мақолада дизайн тушунчаси, дизайнрлар ва дизайнерлик фаолияти тушунчалари ҳамда унинг шаклланишига оид турли ёндашувлар илмий асослаб берилган.

**Калим сўзлар:** буюм, дизайн, дизайнер, дизайн маҳсулоти, модельер, тикувчилик, дизайнерлик фаолияти, модел.

## ДИЗАЙН В ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ УРОКИ ШИТЬЯ

**Аннотация.** В данной статье ставится задача изучить процесс конструирования и моделирования швейных изделий, внедрение конструкторской деятельности и применение этой деятельности. В статье научно обоснованы понятие дизайна, концепции дизайнеров и дизайнерской деятельности, различные подходы к его формированию.

**Ключевые слова:** изделие, дизайн, дизайнер, дизайн изделия, модельер, пошив одежды, дизайнерская деятельность, модель.

## DESIGN IN TECHNOLOGICAL EDUCATION SEWING LESSONS

**Abstract.** This article aims to study the process of design and modeling of sewing products, the introduction of design activities and the application of these activities. In the article, the concept of design, concepts of designers and design activities and various, approaches to its formation are scientifically justified.

**Keywords:** Item, design, designer, design product, modeler, tailoring, design activity, model.

## КИРИШ

Республикамиз ишлаб чиқариш салоҳиятини, иқтисодини кўтарадиган, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган харидоргир маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, енгил саноатни фан ва техника тараққиётига асосланиб энг муҳим, энг долзарб соҳага айлантириш бутунги кундаги устивор вазифалардан хисобланади.

Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш дизайнерлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Дизайн – бадиий лойиҳалашнинг бир тури бўлиб, буюмлар мухитини қулайлик, тежамкорлик ва чиройлилик принципларини бирлаштирган ҳолда яратишга хизмат қиласди.

Машҳур итальян архитектори ва дизайнери Д.Понти дизайннинг мақсади - гўзал шакллар, нарсалар дунёсини яратишдан иборат бўлиб, улар цивилизациямизнинг чинакам характеристини очиб бериши лозим, деб хисоблайди

Конструктор А.И.Черемных фикрича, “Қулай ва чиройли буюмлар яратишга қаратилган бадиий конструкциялаш(дизайн)нинг диққат марказида ҳамиша одам, унинг

ижтимоий ва индивидуал эҳтиёжлари, маънавий талаблари туради” деб таъкидлайди.

Машхур дизайнер Т.В.Козлова “Ҳақиқий касб эгаси рассом-модельерлар ўз фаолияти жараённида ҳар бир инсоннинг маданий савиасини, унинг яхши хислатларини кийим орқали намоён қила олади” деб айтади.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Дизайн сўзи– инглиз тилидан олинган бўлиб, чиройли, шинам, яхши, чиройли лойиха деган маънони англатади.

Дизайнер эса – кучли рассом ва лойиҳачидир. Тикувчилик буюмларини лойихалаш билан шуғулланадиган киши ўзининг пировард мақсадига – чиройли буюм яратишга ҳаракат қиласр экан, биринчи навбатда, мазкур буюмнинг эстетик қиймати нимадан иборат эканлигини билиши лозим.

Дизайнерлик фаолиятининг мақсади ва натижаси истеъмол буюмларини яратиш бўйича фаолият шаклларидан бири бўлиб, бу фаолият натижаси сифатида айнан шу истеъмол буюмлари намоён бўлади.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

1-расм.

Дизайн маҳсулоти - модел яратиш тузилмаси



Тикувчилик буюмларини лойихалаш ва тикиш технологияси машғулотларида ўқитувчи модел яратиш жараённида талабани лойиҳаловчи- муҳандис, технолог, иқтисодчи, уста ва тикувчи бўлиб иш бажаришга одатлантириши, модел яратишнинг ишлаб чиқариш муносабатларида иштирокини таъминлаши керак.

Бирорта моделни ишлаб чиқиш учун яратилган моделнинг функционаллиги, инсонларнинг моделдан манфаатдорлиги, модел яратишида тежамкорликка риоя қилинганлиги, унинг бадиийлиги, нафосатлилиги хамда қўлланилган безакларнинг ифодалилиги тўғри ҳал қилиниши керак. Шунда ишлаб чиқарилган маҳсулот-модел истеъмолчи талабини қондиради.

Турли буюмларда бадиий ва қулайлик вазифаларининг аҳамияти бир хил эмас. Маҳсулотнинг мўлжалланишига кўра принципларнинг иккита гурухининг устунлиги нисбатан ўзгариб туради. Бадиийлик вазифаси кучайиши билан пластик шаклнинг синтези принципи устунроқ бўлади, дизайн маҳсулоти эса тасвирий санъат соҳасига яқинлашади. Қулайлик вазифасининг устиворлигига эса конструкциянинг шаклланиши принципларининг аҳамияти ортади, дизайн маҳсулоти эса техника соҳасига яқинлашади.

2-расм.

### Дизайн маҳсулотига қўйилган талаблар тузилмаси



Бу вазифалардан бирининг йўқолиши билан буюм дизайн маҳсулоти бўлмай қолади ва техник маҳсулотга ёки декоратив буюмга айланади. Иккала вазифанинг ягона тузилмада бирикиш қонуниятини тушуниш учун дизайн маҳсулотини қулай конструкция ва бадий шаклнинг бирикиши деб қараш лозим, чунки манбаатдорлик нуқтаи назаридан конструкция қулай мазмун ва конструкциянинг бирлигидан иборат, бадий шакл эса бадий мазмун ва шаклнинг бирлигидир.

Дизайн маҳсулотларининг ўзига хослиги шундан иборатки, бунда тасвирий санъат асарлари каби ташқи қўриниш эмас, балки муайян буюмнинг манбаатли мазмуни идрок этилади ва баҳоланади. Шунинг учун бадий мазмун нафақат буюмнинг моддий тузилмасига таъсир этади, шу билан бирга, унга бўйсунади ҳам, чунки айнан унда буюмнинг манбаатли мазмуни мужассамланган. Дизайн маҳсулотларининг моддий-фазовий тузилмаларини синтез қилиш асосида қуйидаги зарур ва етарли принциплар ётади:

- конструкциянинг шаклланиши - самарадорлик, эргономиклик, тежамкорлик, технологиклик, конструктивлик;
- бадий шаклнинг ҳосил бўлиши - образлилик, коммуникативлик (тушунарлилик), пластиклик (шакл ва материалнинг ўзаро боғликлиги), техниклик (шакл ва унинг технологияси ўртасидаги боғлиқлик), ташкилийлик (шакл элементларининг композицияси);
- бадий лойиҳалашнинг иккита вазифасининг бирлиги - мазмундорлик ва тектониклик (конструкция ва мато бажараётган ишининг кўзга қўриниб турадиган аксидир).

Тикувчилик дарсида ўқитувчи талабаларни тайёрлашда уларга тикувчилик буюмларини лойиҳалашнинг ва тикиш технологияларининг нозик томонларини, унинг сир-асрорларини, дизайнларини мукаммал ўргатиш зарур. Уларни ўз мутахассисликларининг моҳир устаси рассом- модельер-технолог қилиб тайёрлаш керак. Шунинг учун бирор буюмни моделлашдан олдин, турли шакл ва бичимдаги модалар конструкциясини тузилмоқчи бўлган асосий конструкция базаси устида ишлаш ва шу асос базасидан олиш мумкин.

### **МУҲОКАМА**

Кийимнинг моделга хос хусусиятлари, яъни виточкалар, кокеткалар, бўртма чокларнинг ҳолати, бўкса, бел, этак, борт, тақилма чизиқлари; чўнтак, ёқа, бурма чизиқлари тегишли деталлар конструкцияси асосининг чизмасига кўчирилади.

Дизайнер яратган ҳар бир моделнинг образи инсонга таъсир этишга қодир эмоционал ва таъсирчан бўлиши керак. Кийим ҳар ерда ва ҳамма вақт одам билан бирга

бўлиб, унга ишонч, қадр-қиммат, оптимизм (келажакка ишонч) туйғуларини бахш этиши ёки аксинча, тушкунлик ва хафалик ҳолатига дучор қилиши мумкин.

## ХУЛОСА

Ўқитувчи - бирор тикувчилик буюмини бадиий жиҳатдан тўғри ечимини ҳал қилиш учун унинг мезонларини яхши тушуниб етган бўлиши керак. Тикувчилик буюмини лойиҳалаш ва моделлаш жараёнида кийим композициясини яхши билиш талаб этилади. Бунинг учун қуидаги маълумотларни амалда қўллай олиш лозим: кийимнинг кимга мўлжалланганлигига, моделнинг мато хусусиятига мос келишига, безаклар ва рангларнинг тўғри танланишига аҳамият бериши керак.

## REFERENCES

1. Абдуллаева Қ. М. Тикув буюмларини лойиҳалаш ва моделлаштириш асослари. – Т.: ТДПУ, 2003. -120 б.
2. Булатов С.С., Абдуллаева қ.М. Ўзбек миллий кийимларини безаш ва лойиҳалаш методикаси. –Т.: ТДПУ, 2003. -62 б.